

"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"  
 MAS'ULIYATI CHEKLANGAN  
 JAMIYATI  
 BESHARIQ TUMAN  
 BO'LIMI  
 №  
 2021.08.26.10  
 150300, Sirdaryo ko'chasi 9-uy

"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК  
 Фарғона вилоят худудий бошқармаси  
 бошлиги  
 Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли карорига асосан Бешарик тумани Чимбой МФЙ Мехр, Бинокор, Юксалиш, Наврӯз кўчалари худудида яшовчи 2220 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш максадида қўйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Бешарик тумани Чимбой МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи  $222 \text{ m}^3$  хисобланиб, уланиш нуктаси.1 Чимбой МФЙ Мехр, Бинокор, Юксалиш, Наврӯз кўчалари худудига 2.0 км. Д-76 мм.ли полиэтилен кувурда ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха кувватидан келиб чикиб 1 дона ичимлик сув минораси, автоматик ўчириб ёкиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуктаси.2 Чимбой МФЙ Мехр, Бинокор, Юксалиш, Наврӯз кўчалари худудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали-поэлетилен,чугун,темир,азбец) бўлган диаметри Ø(76-300) атмосфера босими 0.4 АТМ кувурдан лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунлиги 2.0 км бўлган ичимлик сув кувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармокларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармокларига шикаст етказмаслик максадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чикишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли карорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул килинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Бешарик

Туман бўлими раҳбари:

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Бешарик

Туман бўлими бош мухандиси в.в.б:

У.Тошқўзиев

А.Жалилов

